Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 4 январь, чоршанба • № 1 (10.677) • Эркин нархда сотилади.

## Бахт - саодат ва толе ҳамиша сизларга ёр бўлсин!

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Муҳтарам ватандошлар!

Ҳурматли отахонлар, онахонлар!

Азиз опа -- сингиллар, ака -- укалар!

Ҳар бирингизни кириб келаётган Янги -- 1995 йил билан муборакбод этиб, барчангизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат -- саломатлик, хонадонларингизга, оилангизга тотувлик, файз ва барака тилайман.

1994 йили Ватанимизда энг эзгу орзуимиз ва улкан бойлигимиз -- тинчлик -- тотувлик ҳукм сурди. Халқимиз бехавотир, беташвиш, осойишта меҳнат билан машғул бўлди. Юртимиздаги ана шу барқарор муҳит ва аҳиллик, бунёдкорлик туфайли давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий қудратини, халқаро обрў -- нуфузини юксалтириш борасида талай ижобий ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга ўтаётган йилимиз, шуни очиқ тан олишимиз лозим, халқимиз учун анча оғир кечди, танглик ва етишмовчиликлар кўп бўлди, чинакам мустақиллик йўлидан сабот билан олға бораётган Ўзбекистонимизни жуда катта синовлардан ўтказди.

Ишонаманки, ўтган даврда ислоҳотлар йўлида, келажагимиз пойдеворини қуриш учун қилган меҳнатларимиз, бошимиздан кечирган қийинчиликларимиз зое кетмайди. Улар тез кунларда халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтаришда, уни ижтимоий муҳофаза қилишда ўз ҳосилини бера бошлайди.

Қадрли юртдошлар!

Халқимиз ортиқча таърифга муҳтож эмас. Унинг нечоғлик меҳнатпарвар, нечоғлик собит ва бардошли эканини мустақиллик шароитида кечган машаққатли уч йил яна бир бор исботлади. Биз собиқ Иттифоқ ўрнида вужудга келган янги давлатларнинг бошига тушган иқтисодий бўҳронлардан энг кам талофат кўрганимизнинг сабаби ҳам шунда.

Жаҳоннинг жуда кўп минтақаларидаги, шу жумладан яқин қўшниларимиз бўлган мамлакатлардаги нотинчлик, беқарорлик нималарга олиб келаётганини кўриб турганимиз учун ҳам, юртимиздаги тинчлик -- осойишталик, барқарор вазиятнинг қадрига етишимиз, уни асраб -- авайлашимиз лозимлигини яна бир карра таъкидлаш ўринли, деб ўйлайман.

Муҳтарам дўстлар!

Уч йил мустақиллик йўлида кечирган ҳаётимиз бизларга қандай муқаддас заминда яшаётганимизни, улуғ аждодларимиз қолдирган қандай мерос ва қадриятларга эга эканимизни англатди, шу азиз тупроқда ётган ота -- боболаримиз дини ва руҳига содиқ бўлишга, Ватанимиз келажаги, фарзандларимиз камоли учун ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб фидойи меҳнат қилишга, элим деб, юртим деб ёниб яшашга ўргатди.

Ишончим комилки, бугунги истиқлол ва ислоҳот йўлида дадил юришимизни сақлай билсак, аҳил, меҳр-оқибатли бўлиб бир ёқадан бош чиқариб ишласак, ёруғ ва фаровон кунларга тезроқ етамиз, иншооллоҳ.

Азиз ҳамюртларим!

Кириб келаетган Янги -- 1995 йил халқимиз, Ватанимиз учун омадлар йили бўлсин.

Ҳаммангизни Янги йил байрами билан яна бир карра қизғин қутлайман. Барчангизга тинчлик-омонлик, Ватан тараққиёти йўлидаги ишларингизга равнақ тилайман. Бахт -- саодат ва толе ҳамиша сизларга ёр бўлсин!

Барча тилак ва истакларимизни амалга оширмоғимизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

АБДУЛЛА ОРИПОВ
Ўзбекистон халқ шоири

### ҲИКМАТ

*Дунёда ажиб бир ҳикмат мавжуддир:*
*Агар бўлмай десанг бахтингдан жудо,*
*Агар яшай десанг рози бир умр,*
*Ватанинг тинч бўлсин, Ватан, аввало!*

*Дунёда ажиб бир ҳикмат мавжуддир:*
*Агар бўлмай десанг Ватандан жудо,*
*Муносиб бўла бил унга бир умр,*
*Ватанга жонингни қилолгин фидо!*

## ТОШКЕНТ ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

***2 январь куни мамлакатимиз пойтахтининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш ишларининг боришини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар, давлат корпорацияси ва концернлари, уюшма ва бошқармалар, лойиҳалаш институтлари ва бошқа тегишли ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда шаҳар туманлари ҳокимлари, шунингдек, мутахассислар иштирок этди.***

Мажлисни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва тегишли ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарори ижроси билан боғлиқ ахборотлари тингланди.

Нотиқлар мазкур қарорга мувофиқ ҳозирда пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш юзасидан катта тайёргарлик бошланиб кетгани, хусусан, кўчаларни лойиҳалаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги ҳақида гапирдилар. Ҳозиргача Сағбон, Қорасарой, Форобий, Чимбой, Бобожонов каби кўчалар тўла лойиҳалаштирилиб бўлинди ва уларнинг лойиҳалари буюртмачи ташкилотларга топширилди. Айни пайтда бу кўчаларни барча зарур муҳандислик коммуникацияларини ўрнатган ҳолда қайта қуриш ва кенгайтириш ишларини тез суръатлар билан олиб бориш ҳамда эски уй-жойлардан бўшаган майдонларда икки-уч қаватли уйлар, гузарлар, маҳалла марказлари қуриш ишларини жадал амалга ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Бузилиши керак бўлган уйларда яшовчи аҳолини кўчириш учун янги уй-жойлар қуриш зарурлигига яна бир бор эътибор қаратилди.

Мажлисда, шунингдек, Тошкент шаҳрини ободонлаштириш билан боғлиқ бошқа масалалар хусусида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Юнусов ва Б. Ҳамидов қатнашди.

**(ЎзА).**



*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийси соҳибқирон Амир Темур таваллудига 660 йил тўлиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кўрсатилган қутлуғ сана 1996 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонда кенг миқёсда нишонлансин.

2. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини ўтказиш ташкилий қўмитаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита бир ой муддатда ушбу санага тайёргарлик кўриш тадбирларини ишлаб чиқсин ва уларнинг ижро этилишини ташкил этсин.

3. Мамлакат миқёсида ўтадиган байрам ва юбилей тадбирларини ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида уч кишидан иборат дирекция тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Дирекция Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари раҳбарлигида иш олиб бориши белгилаб қўйилсин. Мамлакат миқёсида ўтадиган байрам ва юбилей тадбирларини ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дирекция тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги дирекция фаолияти билан боғлиқ харажатлар учун 1995 йилдан бошлаб республика бюджетидан тегишли миқдорда маблағ ажратишни назарда тутсин.

Дирекцияга Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини ўтказиш ташкилий қўмитаси белгилаган тадбирларни амалга ошириш топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси тегишли вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда 1996 йилда «Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро анжуман ўтказсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва Молия вазирлиги бир ой муддатда Фанлар академияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Амир Темур номи билан боғлиқ обидалар ва қадамжоларни таъмирлаш, консервациялаш ва ободонлаштириш, «Темурийлар даври маданияти ва санъати» мавзуида махсус халқаро туристик маршрутлар очиш юзасидан 1995-2000 йилларда амалга ошириладиган концепция-дастурни ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасининг тасдиғига киритсинлар. Шу жумладан, 1995-1996 йилларда бажариладиган ишлар алоҳида белгилаб қўйилсин ва тегишли маблағ ажратилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тегишли вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда очиқ танлов асосида 1996 йилда Амир Темур шарафига Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида ёдгорлик мажмуи барпо этиш масаласини ҳал этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Амир Темур ва унинг даври фани, маданияти ва санъатига оид янги асарларни, шу жумладан, чет элларда нашр этилган адабиётлардан намуналарни нашр этишни ўз режасига киритсин.

8. Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи туркум кўрсатувлар дастурини тайёрласин ва амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Давлат кинокомпанияси Амир Темурнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида 1995-1996 йилларда бадиий фильм яратиш бўйича чора-тадбирлар кўрсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маданият ишлари вазирлиги ва Фанлар академияси билан биргаликда Амир Темур хиёбонида темурийлар даври тарихи музейини қуриш ва уни зарур экспонатлар билан жиҳозлаш юзасидан тадбирлар белгиласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, республика вазирликлари ва идоралари, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалари бир ой муддат ичида Амир Темурнинг жаҳон тарихида, айниқса Марказий Осиё халқлари тақдирида тутган ўрнини холис ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш бўйича ўз дастурларини ишлаб чиқсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги 1995--1996 йилларга мўлжалланган истиқбол ишларини белгилашда ташкилий қўмита тасдиқлаган тадбирларга кирган объектлар қурилиши, тарихий обидаларни таъмирлаш, ободонлаштириш учун белгиланган тартибда марказлашган сармоя ва республика бюджетидан тегишли маблағ ажратишни назарда тутсинлар.

13. Вазирликлар, ҳокимликлар, муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек жамғармалар ва фуқароларнинг белгиланган тадбирларни амалга оширишда ўз моддий-молиявий улушлари билан иштирок этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 29 декабрь.

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1994 ЙИЛ 29 ДЕКАБРДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА**

### АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ТАРКИБИ

**И. ЖЎРАБЕКОВ** -- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси

**Х. ЖЎРАЕВ** -- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари (келишув бўйича)

**С. САИДҚОСИМОВ** -- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари

**Р. ЮНУСОВ** -- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари

**Б. ҲАМИДОВ** -- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари -- молия вазири, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари

*(Давоми 3-бетда).*

## Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

# Тошкент вилоят Кенгаши депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида

**«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 46-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси**

# ҚАРОР ҚИЛАДИ:

**Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайлов ўтказган округ сайлов комиссияларидан олинган баёнлар асосида вилоят Кенгашига қуйидаги депутатлар рўйхатга олинсин:**

| № | Исми-шарифи, отасининг исми | Туғилган йили | Партиявийлиги | Иш жойи, эгаллаб турган лавозими | Яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1. | Абдужамилов Абдукарим Абдураимович | 1947 | ХДП аъзоси | Бурчмулла ўрмон хўжалиги директори | Бўстонлиқ тумани | 24-Чорвоқ |
| 2. | Азизхўжаев Дониёр Тошхўжаевич | 1944 | ХДП аъзоси | Чирчиқ шаҳар ҳокими | Чирчиқ шаҳри | 14-Трансформаторчилар |
| 3. | Азимов Ҳаким | 1929 | ХДП аъзоси | Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи | Тошкент тумани | 43-Келес |
| 4. | Аъзамов Сирожиддин Ҳидоятович | 1952 | ХДП аъзоси | Тошкент тумани ҳокимининг муовини | Тошкент шаҳри | 42-Юнусобод |
| 5. | Асанов Бейсенбай Майлибаевич | 1946 | ХДП аъзоси | «Енбек» жамоа хўжалигининг раиси | Бўстонлиқ тумани | 22-Ғазалкент |
| 6. | Асатов Хамидулла Асатович | 1942 | ХДП аъзоси | «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори | Ангрен шаҳри | 4-Шифокор |
| 7. | Аҳмедов Меҳриддин Мирзаевич | 1960 | ХДП аъзоси | «Қуйлиқ» агрофирмаси раҳбари | Зангиота тумани | 27-Ўзгариш |
| 8. | Балашов Соғлом Балашович | 1946 | ХДП аъзоси | С. Раҳимов номли акционерлик жамияти раиси | Оҳангарон тумани | 37-Облиқ |
| 9. | Беланов Юрий Николаевич | 1945 | ХДП аъзоси | Олмалиқ шаҳри ҳокими | Олмалиқ шаҳри | 9-Қўрпасой |
| 10. | Бердиев Эшмуҳаммад Абдураззоқович | 1953 | ХДП аъзоси | Чиноз тумани ҳокими | Чиноз тумани | 48-Чиноз |
| 11. | Волгин Виктор Алексеевич | 1943 | партиясиз | «Ўзбекхиммаш» заводининг директори | Чирчиқ шаҳри | 11-Металлург |
| 12. | Икромов Мирзамурод Бердимуродович | 1949 | ХДП аъзоси | Тошкент вилояти ҳокими | Тўйтепа шаҳри | 20-Бўка |
| 13. | Икромова Равшаной Муҳамадалиевна | 1949 | ХДП аъзоси | Олмалиқ шаҳар болалар касалхонасининг бош шифокори | Олмалиқ шаҳри | 8-Металлург |
| 14. | Калқулов Мирзахўжа Низометдинович | 1949 | ХДП аъзоси | Юқоричирчиқ тумани ҳокими | Юқоричирчиқ тумани | 50-Истиқлол |
| 15. | Каримов Рустам Иброҳимович | 1939 | ХДП аъзоси | Қуйичирчиқ тумани ҳокими | Қуйичирчиқ тумани | 33-Ўзбекистон |
| 16. | Қодирова Октябрхон | 1944 | партиясиз | Чирчиқ шаҳар касалхонаси бўлим мудири | Чирчиқ шаҳри | 13-Тикувчилар |
| 17. | Қорабоев Шуҳрат Йўлдошбоевич | 1954 | ХДП аъзоси | Янгийўл шаҳар ҳокими | Янгийўл шаҳри | 16-У. Юсупов |
| 18. | Махситов Баҳодир | 1948 | ХДП аъзоси | Бўка тумани ҳокими | Тошкент тумани | 21-Бўстон |
| 19. | Мирёқубов Тўлқин Мирҳолиқович | 1941 | ХДП аъзоси | Ўртачирчиқ тумани ҳокими | Тўйтепа шаҳри | 47-Истиқлол |
| 20. | Мирпўлатов Мирали | 1931 | ХДП аъзоси | Ўртачирчиқ тумани Охунбобоев фуқаролар йиғини раиси | Ўртачирчиқ тумани | 45-Ким Пен Хва |
| 21. | Мусаев Усмонали Қаххорович | 1955 | ХДП аъзоси | Туман халқ таълими бўлимининг мудири | Қибрай тумани | 29-Янгиобод |
| 22 | Муҳамедов Жаҳонгир | 1943 | ХДП аъзоси | «Дўстлик» жамоа хўжалиги раиси | Қуйичирчиқ тумани | 32-Солдатское |
| 23. | Мирзақулов Уммат Маматқулович | 1943 | ХДП аъзоси | «Оққўрғон» давлат хўжалиги раҳбари | Оққўрғон тумани | 35-Оққўрғон |
| 24 | Насридинов Жалолиддин Ғиёсидинович | 1950 | ХДП аъзоси | Бекобод шаҳар ҳокими | Бекобод шаҳри | 6-Фарҳод |
| 25 | Нодиров Рафиқ Раимжонович | 1950 | ХДП аъзоси | Янгиобод шаҳар ҳокими | Янгиобод шаҳри | 15-Янгиобод |
| 26 | Нурматов Ҳасан Имомқулович | 1952 | ХДП аъзоси | Зангиота тумани ҳокими | Қибрай тумани | 25-Назарбек |
| 27 | Омаров Тўлеген | 1956 | ХДП аъзоси | «Чиноз» наслчилик жамоа хўжалиги раиси | Чиноз тумани | 49-Олмазор |
| 28 | Расулов Александр Махаматшукурович | 1959 | ХДП аъзоси | Оҳангарон шаҳри ҳокими | Оҳангарон шаҳри | 10-Хонобод |
| 29 | Раҳимбоев Абдурашид Асилбекович | 1937 | партиясиз | вилоят ҳокимининг муовини | Тошкент шаҳри | 1-Нурчи |
| 30 | Раҳимбердиева Махсума Абдурашидовна | 1953 | партиясиз | Бўстонлиқ туман 22-ўрта мактаб ўқитувчиси | Ғазалкент шаҳри | 23-Искандар |
| 31 | Рўзиев Эркин Маҳмудович | 1947 | ХДП аъзоси | вилоят ҳокимининг биринчи муовини | Тошкент шаҳри | 5-Металлург |
| 32 | Содиқов Абдувоҳид Содиқович | 1946 | ХДП аъзоси | Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри | 38-Ўзбекистон |
| 33 | Тожибоев Йўлдошбой Аҳмедович | 1948 | ХДП аъзоси | Янгийўл тумани ҳокими | Зангиота тумани | 53-Ниёзбош |
| 34 | Тожиев Олег Аҳмедович | 1944 | ХДП аъзоси | вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри | 19-Далварзин |
| 35 | Тошхўжаев Саидхўжа | 1948 | ХДП аъзоси | Туман ҳокимининг биринчи муовини | Қибрай тумани | 30-Байтқўрғон |
| 36 | Тернових Леонид Павлович | 1942 | ХДП аъзоси | вилоят ҳокимининг биринчи муовини | Тошкент шаҳри | 7-Наврўз |
| 37 | Ҳамидов Ҳакимжон | 1947 | ХДП аъзоси | вилоят ҳокимининг муовини | Тошкент шаҳри | 44-Кўктерак |
| 38 | Хоназаров Жўра | 1917 | ХДП аъзоси | Қибрай туман уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши раиси | Тошкент шаҳри | 31-Чинобод |
| 39. | Хўжабеков Зикрилло | 1950 | ХДП аъзоси | «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси | Бекобод тумани | 18-Пушкин |
| 40. | Шаисматов Эргаш Раҳматуллаевич | 1951 | партиясиз | Янги-Ангрен ГРЭСи директори | Ангрен шаҳри | 3-Геолог |
| 41. | Шайхов Эркин Турдиевич | 1927 | ХДП аъзоси | Тошкент аграр университети ректори | Тошкент шаҳри | 28-Ўнгқўрғон |
| 42. | Шерматов Абдумутал | 1951 | ХДП аъзоси | Пискент тумани ҳокими | Пискент шаҳри | 41-Ўзбекистон |
| 43. | Эргашев Маҳкам Мирзақулович | 1940 | ХДП аъзоси | Туман «Нажот» шифохонасининг бош шифокори | Ўртачирчиқ тумани | 46-Тўйтепа |
| 44. | Юсупов Абдуғани | 1946 | ХДП аъзоси | У. Юсупов номли «Халқобод» тадбиркорлар ва ижарачилар уюшмасининг раиси | Янгийўл тумани | 54-Шўралисой |

**Вилоят сайлов комиссияси раиси Н. Насимов.**
**Вилоят сайлов комиссияси котиби К. Қамбарова.**
1995 йил, 2 январь,
Тошкент шаҳри.



## ЯНГИ КУЧ-ҚУВВАТ БИЛАН

Вилоятимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида янги йилнинг дастлабки кунларидан ғайрат-шижоатга тўла яратувчилик меҳнати авж олиб кетди. Меҳнат жамоалари бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан ишлаб чиқаришнинг бир маромда давом этишига эришиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Шу туфайли ҳам айрим корхоналарда янги йилнинг дастлабки кунларидан ишлаб чиқариш топшириқлари тўла ва ортиғи билан бажарила бошланди.

Оққўрғон туманидаги С. Сегизбоев номли қишлоқ хўжалик халқ корпорациясининг қатор кичик корхоналари ишчи-хизматчиларининг дастлабки иш кунлари самарали бўлди. Зиммага юклатилган вазифалар муваффақиятли уддаланмоқда. Айниқса, тикувчилик кичик корхонаси чеварларининг меҳнати мақтовга сазовордир. Аҳил ва иноқ жамоа иш суръатини тобора тезлаштирмоқда. Барча буюртмаларни муддатида ва барвақт бажаришга эришяпти. Ҳозир бу ерда 10 турга яқин турли кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Болалар учун мўлжалланган кийим-кечаклар ўзининг харидоргирлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари шим, қўлқоп, тўшак ва бошқа шу каби маҳсулотлар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

***Суратларда: савдо шоҳобчаларига жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган маҳсулотлар (чапда), тикувчилардан Қ. Мусаева, А. Рисбоева,, Ш. Соипова ва З. Розиқовалар янги йилнинг дастлабки кунларидаги иш натижалари ҳақида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.***

**Ҳ. АВВАЛОВ олган суратлар.**

